

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

492 «Ўзбекистон — ЕИ» ҳамкорлик Кенгашининг 10-мажлиси давомида эришилган ахдлашувларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

2011 йил 14 ноябрда Брюссель шаҳрида «Ўзбекистон — ЕИ» ҳамкорлик Кенгашининг 10-мажлиси давомида эришилган Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасидаги ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш бўйича икки томонлама ахдлашувлар ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2011 йил 14 ноябрда Брюссель шаҳрида «Ўзбекистон — ЕИ» ҳамкорлик Кенгашининг 10-мажлиси давомида эришилган ахдлашувларни амалга ошириш чора-тадбирлари дастури иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Тегишли вазирликлар ва идораларнинг Дастурни бажариш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига юклансин.

3. Вазирликлар ва идоралар раҳбарлари Чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган бандлар ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминласинлар, уларнинг бажарилиши тўғрисида йилнинг ҳар чорагида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига ахборот тақдим этсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ушбу қарор билан тасдиқланган Чора-тадбирлар дастурининг бажарилиши тўғрисида умумлаштирилган ахборотни йилнинг ҳар чорагида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.М. Фаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 25 ноябрь,
311-сон

* Илова берилмайди.